
II МДХ ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган фарғоналик спортчилар ва мураббийлари тақдирландилар

4-14 август кунлари Беларусда бўлиб ўтган II Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси таркибида ғолиб ва совриндор бўлган фарғоналик спортчилар ва уларнинг мураббийлари тақдирландилар.

Спортчилар ва мураббийлар иштирокида вилоят Ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармасида бўлиб ўтган тадбирда бошқарма бошлиғи Нодирбек Ҳакимов томонидан II МДХ ўйинларида 14 та медални – 3 та олтин, 2 та кумуш, 9 та бронза медалларини қўлга киритган спортчиларга ҳамда уларнинг мураббийларига совғалар ва пул мукофотлари топширилди. Спортчиларнинг келгуси қитъа ва жаҳон чемпионатларида, Олимпиада ўйинларида ғолиб бўлишларига тилак билдирилиб, бу борада уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давом эттирилиши маълум қилинди.

Тақдирланганлар сафида бағдодлик Муҳаммаддиёт Обобакиров ҳам бор. У халқаро мусобақада 3-ўринни қўлга киритган эди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-08-23 18:52:22